

Тошкент ирригация ва мелиорация институти талабаларининг ўқув ва ишлаб
чиқариш амалиётларини корхоналарда, хўжаликларда, ташкилотларда
ўтказиш тўғрисида
ШАРТНОМА

Ректор М. Х. Хамидов номидан бундан кейин “институт” деб номланувчи Тошкент ирригация ва мелиорация институти «Сувмаш» АЖ номидан шу корхона низоми асосида фаолият олиб боровчи корхона раҳбари А.И.Жўрабеков билан 5640100–«Ҳаётий фаолият хавфсизлиги» бакалавриат таълим йўналиши талабаларига ўқув танишув ва малакавий ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш юзасидан ушбу шартномани туздилар.

Томонларнинг мажбуриятлари:

1. Институт қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:
 - а) талабаларни амалиёт дастурини тўла бажаришлари учун ўқув услубий қўлланма ва меъёрий хужжатлар билан таъминлайди;
 - б) амалиётларнинг сифатли ўтишини таъминлаш учун амалиётларга институт томонидан раҳбар қилиб юқори малакали профессор-ўқитувчилар тайинлайди;
 - в) институт талабаларининг амалиёт ўтиш муддати, талабалар сони ҳақидаги маълумотни корхона билан келишилган ҳолда шартномага илова қилади.
2. Корхона қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:
 - а) меҳнат муҳофазаси бўйича инструктажлар билан талабаларни таништириб тегишли журналда қайд этади;
 - б) амалиёт режасини тўлиқ бажариш учун талабаларга керакли шароит яратиб беради;
 - в) амалиёт ўтадиган талабаларга раҳбар қилиб малакали мутахассисларни тайинлайди;
 - г) амалиёт тугагандан сўнг ҳар бир талабанинг ишига ва тайёрланган ҳисоботи сифатига тавсифнома беради.
3. Кўрсатилган хизмат учун тўлов масаласи қўшимча келишилган ҳолда амалга оширилади.
4. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради:
Шартнома муддати 03.2017 йилдан 31.12.2020 йилгача.


Томонларнинг юридик манзилгоҳлари:

Институт:
700000, Тошкент шаҳар
Қори-Ниёзий кўчаси, 39,
Тел. 237-46-68

Корхона:
Тошкент шаҳар,
Хусайн Байқаро кўчаси, 13,
Тел. 295-19-08



ТИИИ ректори
профессор М. Х. Хамидов



Корхона раҳбари
А.И.Жўрабеков